Impact Factor: 5.479
ISSN 2181-9505
Doi Journal 10.26739/2181-9505

# Philosophy and Life

## FALSAFA VA HAYOT • ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ

Special Issue 1 | 2022



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
O'ZBEKISTON FALSAFA JAMIYATI

Международный научно-исследовательский центр Имам Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана

Imam Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan
Philosophical Society of Uzbekistan

# FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

1 МАХСУС СОН

## ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

## PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

SPECIAL ISSUE 1

Jurnal bir yilda 4 marta nashr qilinadi.

Журнал выходит 4 раза в год.

The journal is published 4 times in a year.

ISSN: 2181-9505
DOI: 10.26739/2181-9505

2022

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL
№SI-1 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-1

**Tahrir kengashi:**
**Abdildina, R.J.** — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor
**Askarov, T.A.** — Qirg'iziston FA akademigi, f.f.d., professor
**Bazarbayev, J. —** O'zbekiston FA akademigi, f.f.d., professor
**Bashimov, V.V. —** Turkmaniston milliy ta'lim instituti direktori
**Werner Bush —** dunyo professorlari uyushmasi exs prezidenti DSc, professor (Germaniya)
**Mamedzade, I.R.** — Azarbayjon FA Falsafa va sotsiologiya instituti direktori, f.f.d., professor
**Morevedge, P.** — AQSH dunyo olimlari departamenti raisi, DSc, professor
**Nisanbayev, A.N. —** Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor
**Skarantino, L.M.** — Jahon falsafa jamiyatlari federatsiyasi prezidenti, DSc, professor, (Italiya)
**Smirnov, A.V.** — Rossiya FA akademigi, Rossiya FA "Falsafa" instituti direktori, Rossiya Falsafa Jamiyati prezidenti, f.f.d., professor (Rossiya)
**Tursunov, A.** — Tojikiston FA akademigi, f.f.d., professor (Tojikiston)
**Tsuy Veyxan —** Xitoy ijtimoiy fanlar Akademiyasi vitse-prezidenti, DSc, professor, (Xitoy)
**Chumakov, A.N.** — Rossiya FA Falsafa instituti professori, f.f.d., (Rossiya)

**Muassislar:**
O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Imom al Buxoriy xalqaro ilmiy - tadqiqot markazi
O'zbekiston falsafa jamiyati
OOO tadqiqot.uz

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiyasi komissiyasi rayosatining qarori bilan maxsus jurnallar ro'yxatiga kiritildi. 2018-yil 29-dekabrdagi 260/7 sonli bayonnoma

**Ro'yxatga olinganligi haqidagi 1175 sonli guvohnoma O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 20.02.2018 yilda berilgan.**

**Bosh muharrir:**
**Shermuhamedova, N.A., —** f.f.d., professor (O'zbekiston)
**Bosh muharrir o'rinbosari:**
**Muhamedova, Z.M., —** f.f.d., professor (O'zbekiston)
**Mas'ul muharrir:**
**Safayeva, S.X., —** f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

**Tahrir hay'ati:**
**Allahyarova, T. —** f.f.d., professor (Azarbayjon)
**Andirjanova, G.A., —** s.f.d., professor (Qozog'iston)
**Abasov, A. S. —** f.f.d., professor (Azarbayjon)
**Ahamer, G. —** PhD, professor (Avstriya)
**B.K. Santosh Kukreja, —** DSc, professor (Hindiston)
**Bodio Todeush, —** s.f.d., professor (Polsha)
**Bilalov, M. I., —** f.f.d., professor (Rossiya)
**Berna, A., —** PhD. professor (Turkiya)
**Vefa Tashdelen, —** f.f.d., professor (Turkiya)
**Gabitov,T. X. —** f.f.d., professor (Qozog'iston)
**Guseynov, S. —** f.f.d.,professor (Azarbayjon)
**Gezalov, A.A., —** f.f.n., professor (Rossiya)
**Ivatova, L.M., —** s.f.d., professor (Qozog'iston)
**Kurmangaliyeva, G.K., —** f.f.d., professor (Qozog'iston)
**Lazarevich, A.A., —** f.f.n., professor (Belorussiya)
**Muzaffarov, M. —** f.f.d., professor (Tojikiston)
**Morevedge, R. —** DSc, professor (AQSH)
**Naushanbayeva, A., Hakimogli, —** PhD filos., professor (Turkiya)
**Olatunji Felix. O. —** DSc., professor (Nigeriya)
**Paxruddinov, Sh. I., —** s.f.d., professor (O'zbekiston)
**Sadikova, N.N., —** f.f.d., professor (Tojikiston)
**Saifnazarov, I.S., —** f.f.d., professor (O'zbekiston)
**Sergeyev, M.Y., —** PhD, professor (AQSH)
**Telebayev, G.T., —** f.f.d. professor (Qozog'iston)
**To'rayev, B. O., —** f.f.d., professor (O'zbekiston)
**Urmanbetova, J.K., —** f.f.d., professor (Qirg'iziston)
**Chjan Baychun, —** f.f.d., professor (Xitoy)
**Shadmonov, Q.B., —** f.f.d., professor (O'zbekiston)
**Fishier, A. — f.f.d.,** professor (Fransiya)
**Yaxshilikov, J. —** f.f.d., professor (O'zbekiston)
**Yaskevich, Y.S., —** f.f.d., professor (Belorusiya)

**Ilmiy kotib:**
**Mahkamov, U.** (O'zbekiston)
**Musahhihlar:**
**Xidirov, M.T.,** (O'zbekiston)
**Hamdamova, S.** (O'zbekiston )
**Madiyorova, V.** (O'zbekiston )
**Saurov, R.R.,** (O'zbekiston)

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
№SI-1 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-1

**Редакционный совет:**
**Абдильдина, Р. Ж. -** академик НАН Казахстана, д.ф.н., профессор
**Аскаров, Т. А. -** академик АН Киргизистана, д.ф.н., профессор
**Базарбаев, Ж. -** академик АН Узбекистана, д.ф.н., профессор
**Башимов, В. В. -** директор национального института образования Туркменистана
**Вернер Буш. -** экх президент всемирной ассоциации профессоров, доктор философских наук, профессор, (Германия)
**Мамедзаде, И. Р.** - д.ф.н., профессор, директор института "Философии и социологии" АН Азербайджана
**Мореведж, П.** - DSc. профессор, руководитель GSP США
**Нысанбаев, А.Н. -** академик АН Казахстана, д.ф.н., профессор
**Скарантино, Л. М. -** президент всемирной федерации философских обществ д.ф.н., профессор (Италия)
**Смирнов, А. В. -** академик АН России, директор института Философии АН России, президент РФО, д.ф.н., профессор (Россия)
**Турсунов, А. -** академик АН Таджикистана, д.ф.н., профессор
**Цуй Вэйхан -** Вице-президент Института философии КАОН, д.ф.н., профессор (Китай)
**Чумаков, А. Н.** - проф. РАН, д.ф.н., (Россия)

**Учредители:**
Международный научно-исследовательский Центр Имама аль Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана,
ООО tadqiqot.uz

Решением Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан введен в список специальных журналов. 2018 год 29 декабрь протокол №260/7

**Регистрационное свидетельство №1175 выдано 27.02.2018 агенством по печати и информации Узбекистана**

**Главный редактор:**
**Шермухамедова, Н. А.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
**Заместитель редактора:**
**Мухамедова, З. М.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
**Ответственный редактор:**
**Сафаева, С. Х. -** к.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Редакционная коллегия:**
**Аллахярова, Т.** - д.ф.н., профессор (Азербайджан)
**Андиржанова, Г. А. -** д.п.н., профессор (Казахстан)
**Абасов, А.** - д.ф.н., профессор (Азербайджан)
**Ахамер, Г. -** PhD, профессор (Австрия)
**В.К.Сантош Кукреджа. -** PhD, профессор (Индия)
**Бодио Тодеуш. -** д.п.н., профессор (Польша)
**Билалов, М. И.** - д.ф.н., профессор (Россия)
**Берна, А. -** PhD.- профессор (Турция)
**Вефа Ташделен -** д.ф.н., профессор (Турция)
**Габитов, Т. Х. -** д.ф.н., профессор (Казахстан)
**Гусейнов, С.** -д.ф.н., профессор (Азербайджан)
**Гезалов,А.А. -** к.ф.н., профессор (Россия)
**Иватова, Л. М. -** д.п.н., профессор, (Казахстан)
**Курмангалиева, Г. К.** - д.ф.н.,профессор (Казахстан)
**Лазаревич, А А** - к.ф.н., профессор (Беларусия)
**Музаффаров, М.** - д.ф.н., профессор (Таджикистан)
**Мореведж, Р.** — DSc, профессор (США)
**Наушабаева, А., Хекимоглы -** PhD, профессор (Туркия)
**Олатунжи Феликс О.** — DSc, профессор (Нигерия)
**Пахруддинов, Ш.И. -** д.п.н., профессор (Узбекистан)
**Садикова, Н. Н.** - д.ф.н., профессор (Таджикистан)
**Саифназаров, И.С.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
**Сергеев, М. Ю. -** PhD, профессор (США)
**Телебаев, Г.Т.** - д.ф.н., профессор (Казахстан)
**Тураев, Б.О.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
**Урманбетова, Ж. К.** - д.ф.н., профессор (Киргизистан)
**Чжан Байчун -** д.ф.н., профессор (Китай)
**Шадманов, К.Б.** - д.ф.н. профессор (Узбекистан)
**Фишлер, А.** - д.ф.н., профессор (Франция)
**Яхшиликов, Ж.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
**Яскевич, Я.С.** - д.ф.н., профессор (Беларуссия)

**Ученый секретарь:**
**Махкамов, У.** (Узбекистан)

**Корректоры:**
**Хидиров, М.Т.** (Узбекистан)
**Хамдамова, С.** (Узбекистан)
**Мадиярова, В.** (Узбекистан)
**Сауров, Р.Р.** (Узбекистан)

# PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

№SI-1 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-1

**Editorial Council:**
**Abdildina, R.J. -** academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor
**Askarov, T.A. -** academician AS of Kyrgyzstan, doctor of philos. sciences, professor;
**Bazarbaev, J. -** academician AS of Uzbekistan, doctor of philos. sciences, professor
**Bashimov B.B. -** director of national Institute of education of Turkmenistan
**Werner Bush -** President of the World Association of Professors, DSc, professor (Germany)
**Mamedzade, I.R.-** director of Institute "Philosophy and sociology" AS of Azerbaijan doctor of philosophical sciences, professor
**Morewedge, P. -** Editor-in-Chief; IGDE, DSc, professor USA
**Nysanbaev, A.N. -** academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor
**Scarantino, L.M. -** President of International Federation of Philosophical societies, professor of philosophy and politics of culture, (Italy)
**Smirnov, A.V. -** Academician of the Academy of Sciences of Russia, Director of the Institute of Philosophy of the Academy of Sciences of Russia, President RFS, doctor of philos. sciences, professor (Russia)
**Tursunov, A.** - academician of the ASc of Tajikistan, doctor of philos. sciences, professor
**Tsui Weihan -** vice-President of the Institute of Philosophy CAAS, doctor of philos. sciences, professor (China)
**Chumakov, A.N.** - professor RAN doctor of philos. sciences (Russia)

**Founders:**
Imam al Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan Philosophical Society of Uzbekistan OOO tadqiqot.uz

By the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan entered into the list of special journals. 2018 December 29 Protocol №260 / 7

**The registration certificate № 1175 was issued on February 27, 2018 by the Uzbek Agency for Press and Information**

**Editor-in-Chief**
**Shermukhamedova, N.A. -** doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
**Deputy Editor:**
**Mukhamedova, Z.M.-** doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
**Managing editor:**
Safaeva, S.Kh. - Ph.D. philos., (Uzbekistan)
**Editorial team:**
**Allahyarova, T. -** doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)
**Andirjanova, G.A. -** doctor of political sciences, professor (Kazakhstan)
**Abasob, A. S. -** doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)
**Ahamer G. -** PhD, professor (Austria)
**B.K. Santosh Kukredja, -** PhD., professor (India)
**Bodio Todeus. -** doctor of political sciences, professor (Poland)
**Bilalov, M.I.** - doctor of philos. sciences, professor (Russiya)
**Berna, A. -** PhD., professor (Turkey)
**Vefa Tashdelen. -** doctor of philos. sciences, professor (Turkey)
**Gabitov, T.H. -** doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)
**Guseynov, S. -** doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)
**Gezalov, A.A.** - PhD. of philos., associate professor (Russia)
**Ivatova, L.M. -** doctor of political sciences., professor (Kazakhstan)
**Kurmangaliyeva, G.K. -** doctor of philos., professor (Kazakhstan)
**Lazarevich, A. A. -** PhD philos., professor (Belarus)
**Morewedge, R. -** doctor of philology, professor (USA)
**Muzaffarov, M. -** doctor of philos sciences, professor (Tajikistan)
**Naushanbaeva, A., Hakimogli. -** PhD. philos., professor (Turkey)
**Olatunji, Felix.O. -** DSc, professor (Nigeriya)
**Pakhruddinov, Sh.I. -** doctor of political sciences, professor (Uzbekistan)
**Sadikova, N.N. -** doctor of philos. sciences, professor (Tajikistan)
**Saifnazarov, I.S. -** doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
**Sergeev, M.Yu.** — PhD, philos., professor (USA)
**Telebaev, G.T. -** doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)
**Turaev, B.O. -** doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
**Urmanbetova, J.K. -** doctor of philos. sciences, professor (Kyrgyzstan)
**Zhang Baichun -** doctor of philos. sciences, professor (China)
**Shadmanov, Q. -** doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
**Fischler, A. -** doctor of philos. sciences, professor (France)
**Yaxshllikov, J. -** doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
**Yaskevich, Ya.S. -** doctor of philos. sciences, professor (Belarus)

**Scientific Secretary:**
**Mahkhamov, U.** (Uzbekistan)
**Correctors:**
**Khidirov, M.T.** (Uzbekistan)
**Hamdamova, S.** (Uzbekistan)
**Madiyorova, V.** (Uzbekistan)
**Saurov, R.R.** (Uzbekistan)

# MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

**1. Абдуллаев Сардор Туйчиевич**
ГЎЗАЛЛИККА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ……………..8

**2. Абдумажидова Хамида**
ВЛИЯНИЕ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НА АКТИВНОСТЬ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ…………………………..18

**3. Ашурова Хуршида Сағдуллаевна**
МАХМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ……………………………..26

**4. Ahrorova Madina Rahmatovna**
O`ZBEK MUMTOZ SHOIRLARI IJODIDA GENDER TENGLIGI MASALASI……………….33

**5. Boltaev Farrukh Farhodovich**
THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF THE PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE INTERACTION OF LANGUAGE, THOUGHT AND CULTURE IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION………………………………………....40

**6. Бозоров Мустафо Жабборович**
“МИГРАЦИЯ” ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ…………………………..…..49

**7. Каримов Соҳибназар Каримович**
РУҲИЙ ПОКЛИК ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ ЁҲУД ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА КОМИЛ ИНСОН МАСАЛАСИ……………………………………………………………..57

**8. Комилов Рўзи Рабиевич**
ЎЗБЕК ХАЛҚИ НИКОҲ МАРОСИМЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ……..…65

**9. Мажитов Махмуд Абдимўмин ўғли**
ИЖТИМОИЙ МУҲИТ - ШАХС ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИ ДЕТЕРМИНАНТИ СИФАТИДА…………………………………………………………………………….…74

**10. Махмудова Азиза Нугмановна**
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ……………………….…81

**11. Меликова Мартаба Нумоновна**
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ…………….88

**12. Омонов Баҳодир Нуриллаевич**
ЭКОЛОГИК ГЛОБАЛЛАШУВ КОНТЕКСТИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР……………………………………………………..……95

**13. Usmonova Laylo Rahmatullaevna**
THE EMOTIONAL IMPACT OF ORIENTAL MINIATURES AND ITS ROLE IN THE STUDY OF HUMAN AESTHETIC NEEDS…………………………………………..106

**14. Фозилова Азиза Иноятиллаевна**
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЖАҲОН ИЛМ –ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ…114

**15. Холиқов Юнус Ортиқович**
ЎБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА…………………………………………………..120

**16. Ҳамдамов Ислом Акрамович**
ИЛМ-ФАН ТАРҚАҚҚИЁТИДА МИРЗО УЛУҒБЕК ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА "ЗИЖИ ЖАДИДИ ГУРАГОНИЙ"АСАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ……………………………………128

**17. Шерманов Исобек Чилмаматович**
БИОТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ТАРАҚҚИЁТИДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ……………………………………...135

**18. Шеров Мансур Болтаевич**
ЎЗБЕКИСТОН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИДА КРЕАТИВ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ……………………144

**19. Makhmudova Aziza Nugmanovna**
LEGAL-REGULATORY SYSTEM IN CIVIL SOCIETY CONTROL OF THE PROCESS OF LEGAL SOCIALIZATION OF INDIVIDUALS…………………………………149

**20. Гонашвили Александр Сергеевич**
СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОЕ ПОНИМАНИЕ ЦЕННОСТЕЙ РУБЕЖА XIX И XX ВЕКОВ: СОЦИАЛЬНО-ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ……………………………………...155

**21. Хаджиметов Бехзод Бахадирович**
ШАРҚ МИНИАТЮРА САНЪАТИДА ПОРТРЕТ ЖАНРИ…………………………………163

**22. Pulatov Jaxongir Nazirovich**
JAMIYAT BARQAROR TARAQQIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARINING O‘RNI………………………………………169

**23. Ашуров Шодмон Шаропович**
ҒАРБ ФАЙЛАСУФЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ…………………………..177

**24. Ravshan Mardonov**
ZAMONAVIY TA`LIM FALSAFASI VA FALSAFIY ANTROPOLOGIYA: TUTASH MUAMMOLAR VA O`ZARO TA`SIR USULLARI…………………………………………184

**25. Эргашева Махбуба Хотамбековна**
ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР КИРИБ КЕЛИШИДАГИ ХАОТИК ЖАРАЁНЛАР ҲАМДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АТТРАКТОР ОМИЛИ……………….……192

**26. Эргашева Махбуба Хотамбековна**
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ СИНЕРГЕТИК ТИЗИМ СИФАТИДА……………………………201

**27. Саидов Ихтиёр Мизрабович**
ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ……………………………………………………………210

**28. Хасанов Миршод Нўмонович**
ФОРОБИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ………………………….216

**29. Elmuradova Surayyo**
TA’LIM JARAYONINI TASHKIL ETISHNING SHAXSIY EKZISTYENSIAL YONDASHUVINI IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI………………………………………..227

**30. Саидова Камола Усканбаевна**
ЛЮБОВЬ И НЕНАВИСТЬ КАК ДВЕ КРАЙНОСТИ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ………232

FALSAFA VA HAYOT
ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ
PHILOSOPHY AND LIFE

**УДК 100.7, 165.0541.121.536:7**

**Фозилова Азиза Иноятиллаевна**
Самарқанд давлат университети
таянч докторанти
e-mail: aziza_x@mail.ru
(Ўзбекистон, Самарқанд)

# МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЖАҲОН ИЛМ –ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6589760**

**АННОТАЦИЯ**

Бугунги глобаллашув жараёнида миграция масаласи дунё миқёсида барқарор ривожланишни таъминлашнинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб келмоқда. Хозирги даврда миграция жараёнларининг ошиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ҳамда аҳоли фаравонлигини ошириш ва барқарор ривожланишига хар хил таъсир қилмоқда. Миграция жараёни, айниқса, дунё бўйлаб унинг асосий қисмини ташкил этувчи меҳнат миграқияси жараёни муаян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум ҳудуд, мамлакат минтақа, ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, хозирги глобал ривожланаётган даврда эса сиёсий ҳам таъсирини ўтказмоқда. Мақолада, миграциянинг табиий жараён эканлигини, барча ривожланаётган давлатлар шундай босқичдан ўтганлиги кўрсатиб ўтилган. Босиб ўтилган даврлардан кўриш мумкинки, қаерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайиб борилади. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси томонидан хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва хавфсизлигини таъминланганлиги, ҳуқуқий, давлатлараро муносабатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинди.

**Таянч сўзлар:** миграция, эмиграция, колонизация, давлатлараро муносабатлар, меҳнат тажрибаси , ҳудудий харакатлар, оила, иқтисодий-сиёсий барқарорлик, хорижий давлатлар.

---

**Фозилова Азиза Иноятиллаевна**
базовый докторант
(Узбекистан, Самарканд)

# РОЛЬ МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В МИРОВОМ НАУЧНОМ РАЗВИТИИ

**АННОТАЦИЯ**

В современном процессе глобализации проблема миграции становится одной из актуальных задач обеспечения устойчивого развития во всем мире. В настоящее время рост миграционных процессов по-разному влияет на социально-экономические, политические и правовые, а также на благосостояние и устойчивое развитие населения. Процесс миграции, особенно трудовой миграции, которая является основной частью мира, имеет тенденцию

увеличиваться и уменьшаться в определенные периоды времени и оказывает положительное, отрицательное и политическое влияние на социальную жизнь определенного региона, страны, регион и общество. В статье отмечается, что миграция - это естественный процесс и что все развивающиеся страны прошли этот этап. Из опубликованных периодов видно, что при правильной организации трудовой миграции увеличивается занятость, доход семьи и количество квалифицированных рабочих. В статье анализируются взгляды Республики Узбекистан на создание достойных условий и безопасности граждан, работающих за рубежом, правовые, межгосударственные отношения.

**Ключевые слова:** миграция, эмиграция, колонизация, межгосударственные отношения, трудовой опыт, территориальные перемещения, семья, экономическая и политическая стабильность, ино
странные государства.

**Fozilova Aziza Inoyatillaevna**
basic doctoral student
(Uzbekistan, Samarkand)

## THE ROLE OF MIGRATION PROCESSES IN WORLD SCIENTIFIC DEVELOPMENT

**ANNOTATION**

In today's globalization process, the issue of migration is becoming one of the urgent tasks to ensure sustainable development worldwide. At present, the growth of migration processes has a different impact on socio-economic, political and legal, as well as the welfare and sustainable development of the population. The process of migration, especially labor migration, which is a major part of the world, has a tendency to increase and decrease at certain times, and has a positive, negative, and political impact on the social life of a particular region, country, region and society. The article points out that migration is a natural process and that all developing countries have gone through such a stage. It can be seen from the published periods that where labor migration is properly organized, employment, family income, and skilled workers increase. This article analyzes the views of the Republic of Uzbekistan on the creation of decent conditions and security for citizens working abroad, legal, interstate relations.

**Keywords:** migration, emigration, colonization, interstate relations, work experience, territorial movements, family, economic and political stability, foreign countries.

**Кириш:** Маълумки, мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларда миграция жараёни долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Зеро, Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, “Такрор ва такрор айтаман: ҳар бир фуқаронинг соғлиғи ва ҳаёти биз учун муҳимдир. Бегона юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрган деган гап бекор гап эмас, уларнинг ҳам умиди бор, не-не ниятлар билан оиламни боқаман деб ўзга юртларда меҳнат қилаётганлар орасида ёш ва навқирон ёшларимиз бор. Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш бизнинг хозирги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир”.[1 Шавкат Мирзиёев. 2021.443-б]

Миграция бутун дунёга тарқалган бўлиб, аҳолининг миграцияси (лот. Мигратио - кўчириш) - бу одамлар (мигрантлар) нинг яшаш жойи, абадий ёки оз вақтга, билим-кўникма ёки меҳнат тажрибаси билан алмашинишга маълум ҳудудлар чегаралари бўйлаб ҳаракатланиши тушунилади. “Миграция” тушунчасининг луғавий маъноси одамларни бир мамлакатдан бошқасига кўчиришдир. Бу алоҳида ҳудудий тузилмалар ичида (ички миграция) ва уларнинг чегараларидан ташқарига (ташқи миграция) кўчиб юрувчи шахсларга ёки бутун миллий ва этник гуруҳларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Миграцияни кенг ва тор маънода кўриб чиқиш одат тусига айланган. Тор маънода, бу доимий жой ўзгариши билан якунланадиган ҳудудий ҳаракатларнинг тўлиқ тури яшаш жойи тушунилади. Кенг маънода, бу бир ёки бир нечта маъмурий-ҳудудий бирликларнинг мақсадидан қатъий назар, турли хил

аҳоли пунктлари ўртасида содир бўладиган ҳар қандай ҳудудий ҳаракатлар, бу ҳаракатларнинг давомийлиги, мунтазамлиги тушинилади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тарихдан биламизки, урушлар ва фуқаролар можаролари, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, янги унумли жойларнинг босиб олишга бўлган ҳаракатлар буюк кўчишларга олиб келган. Бунинг асосида эса мустамлакачилик сиёсати ётади. Мустамлакачилик миграция концепцияси билан чамбарчас боғлиқ, бироқ у ўз-ўзидан мустамлакачилар жамоасининг собиқ ҳудуди устидан назоратини йўқотишини англатмайди. Қадимда мустамлакачилик ва мустамлакаларни ташкил этиш юнонлар ёки финикияликлар каби мустамлакачи халқлар орасида кенг тарқалган амалиёт эди. Буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб Европа мустамлакачилиги турли қитъаларга тарқалди. Мустамлакачилик сиёсатининг асосий ҳаракатларидан бири бу янги забт этган жойларга ўз фуқароларини кўчириб келиш бўлган. Бу аснода ўз-ўзидан келиб чиқадики, миграция жараёнида географик, маданий, илмий, диний ва дунёвий билимлар ҳам ўзлаштирилган ва ўрганилган. Кўпчилик иммиграция ва эмиграция нима эканлигини билмайди, уларнинг ўртасидаги фарқни тушунишмайди. Бу тушунчалар турли маъноларга эга ва биргаликда ҳар бири алоҳида мамлакатдаги миграция жараёнларининг динамикасини намойиш этади.

Шунинг учун, нима тўғри эканлигини аниқлаш лозим. Иммиграция ёки эмиграция, ушбу концепция қайси давлатга нисбатан қўлланилишини тушуниш муҳимдир. Демак, агар инсон бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кетаётгани ҳақида гапирадиган бўлсак, “эмигрант” тушунчаси қўлланилади ва жараённинг ўзи эмиграция деб аталади. Муҳожир ўзи кўчиб кетаётган давлатга нисбатан иммигрант бўлади ва жараённинг ўзи иммиграция деб аталади. Миграция ва эмиграция ўртасидаги фарқ аҳамиятли эканлигини тушуниш муҳимдир. Демак, миграция умумий ҳаракатланиш жараёни, эмиграция эса иммиграция каби маълум бир мамлакатга нисбатан миграция оқимининг йўналишидир.

Шу билан бирга, ички кўчиш одатда яшаш шароитларини яхшилаш, турмуш тарзини ўзгартириш, иш жойини ўзгартириш натижасида юзага келади. Бу турли иқлим, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа шароитларга эга бўлган ҳудудлар учун хосдир. Халқаро кўчиришда асос кўпинча иқтисодий миграция ҳисобланади. Жаҳон тараққиёти тарихида даврлар ўтиши билан инсоният цивилизацияси даражаси ўсиб, миграция ривожланиб, такомиллашиб борган. Ҳар бир минтақада миграция даврий туқтаи назардан эртароқ ёки кечроқ, ўзига хос шаклда шаклланиб, ривожланиб борган. Миграциянинг энг оддий кўриниши сифатида, дастлабки одамлар уруғ- қабила шаклида яшаб, кўчманчи ҳаёт тарзидан унумдор, серҳосил жойларда ўзларига шароит яратиб, шаҳар ва давлатларга асос солишганлигини кўрсатиш мумкин. Эронларнинг янги ерларни босиб олиш мақсадидаги эммиграциялашуви натижасида дунё цивилизациясида “Зардуштийлик” диний, фалсафий таълимотнинг яралишига олиб келинди. Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларининг миграция ва эммиграциялашуви жараёнида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти катта бўлган. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо-сотиқ, тижорат, дипломатик ва маданий–илмий алоқалар йўлини мустаҳкамланишига олиб келди. Бу савдо йўли орқали халқаро ҳамкорлик ва интеграцион жараёнларни тезлаштириш, эл ва давлат фаровонлиги таъминланилган. Мамлакатларнинг маданий-иқтисодий алоқалар ўрнатилишига замин яратиб, Хитойдан Ўрта Осиёга қоғоз ишлаб чиқариш дастгоҳларнинг кириб келиши, Самарқанд қоғозларининг илм фан тараққиётида юксак ўрин эггалаб, фанларнинг фундаментал асосини ташкил этди. [4 “Ўзбекистон тарихи”.2010й.365-371бб]

Арабларнинг Ўрта Осиёга эммиграциялашуви эса Ислом диний-таълимотини дунёвий тус олишига олиб келди. Мисол учун, араб тили ва ислом дини бўйича мукаммал билим олишни истаганлар Боғдод, Қохира, Дамашқ каби катта шахарларга бориб илм ўрганишган. Мовароунахр ва Хоразмдан бориб фан, маданият тараққиётига катта ҳиссасини қўшган аждодларимиз борган сайин кўпайиб борди. Хусусан, эмигрант талабгорларига билим бериш борасида Боғдод шаҳри Шарқнинг илм –маърифат маркази сифатида катта аҳамият касб этди. Халифа Ал-Маъмун хукмронлиги даврида туркистонлик олимлардан Муҳаммад ибн Мусо ал-

Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ҳабаш ал-Ҳосиб Марвазий, Абул Аббос Жавҳарий ва бошқаларни Боғдодга ўзи билан олиб кетиб (уларни миграция қилиб), ўзига хос илмий жамоа ташкил қилади, ҳамда дунё фан тараққиётида учмас из қолдирган Боғдод академияси яъни “Байт ул-хикмат”нинг ўзагини ташкил этган. Бу эса ўз навбатида X аср охири ва XII бошларида Боғдоддаги “Байт ул-хикмат” академиясига монанд илмий марказ тузиш, фан тараққиётига хизмат қилиш, унинг самараларидан фойдаланишга интилиш анъанаси Хоразмда ҳукмронлик қилган Маъмуний сулоласи даврида Хоразм Маъмун академияси ташкил этилди ва ундан-да юқори поғонага кўтарилди. Ушбу илмий муассасада фаолият олиб борган буюк бобокалонларимиз Муҳаммад Мусо ал –Хоразмий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий, Маҳммуд аз-Замахшарийлар илм-фан юксалишига, хозирги замон фанининг кўплаб тармоқлари ва йўналишларига чинакам пойдевор яратганлар. Айниқса Имом ал-Бухорий бобомиз ислом оламининг йирик мутафаккири ва буюк муҳаддисликлари яъни 600 мингга яқин ҳадисларни ёддан билишлари билан уша давр ислом дунёси, улкан ҳаддисшунос олимларни лол қолдирганлар. Хусусан, математика, алгебра, астронимия, тиббиёт, геология, геодезия, география, фалсафа сингари дунёвий фанларнинг тамал тошини қўйишган.[5: Р.Шамсутдинов, Х.Мўминов 118-158.2013й]

Биз биламизки, ҳар бир даврда миграциялашув жараёни қай кўринишда бўлишидан қатъий назар жамият, давлатлараро муносабатларида мавжуд бўлади. Бу ерда Ўрта Осиё давлатларини Чор Россияси томонидан босиб олиниши ва руслаштириш сиёсати асосида ўз фуқароларни бизнинг мамлакатимизга эмиграциялашуви, бутун маърифий–маданий, миллий қадриятимиз ҳамда урф-одатларимизнинг туб ўзгаришига олиб келди. XX аср фожияси бўлмиш иккинчи жаҳон уруши 6 йил давомида ер шарининг 80% аҳолиси жойлашган худудни ўз ичига олган 61 та мамлакатни қамраб олган эди. Ўрта Осиё давлатлари СССР мустамлакаси сифатида урушнинг дастлабки кунларидаёқ барча моддий-маънавий кучларини, ресурсларини фронт учун сафарбар қила бошлади. Умумий ҳарбий сафарбарлик эълон қилинди. Ўзбекистон аҳолисининг ўзидан 1.433.230 кишиси урушга сафарбар этилди. Уларнинг кўпчилиги босқинчиларга қарши шараф билан курашиб, жасоратлари орқали душманни енгиб, мардлик намуналарини кўрсатиб, жангорвар орден медаллар билан тақдирландилар. Ўрта Осиё давлатлари уруш йилларида Россиянинг районлари – Украина, Беларрусия, Владивосток, Санк-Петербург, Гемания фуқароларини, уйсиз, жойсиз қолган эмигрантларга ўз кучоғини очиб қабул қилишди.[5: Р.Шамсутдинов, Х.Мўминов 369-371бб, 2013й] 7 миндан зиёд каровсиз қолган болалар Тошкентга эвакуация қилинган, уларнинг биронтаси болалар уйига топширилмаган, аксинча кўпгина оилалар етим болаларни ўз тарбиясига олди. “Менинг онамнинг тақдири минглаб совет болалар тақдиридан фарқли эмас, онамни меҳрибон ўқитувчи оиласи ўз қарамоғига олиб, охирги нонини бўлиб берган. Хаттоки, ўзлари ер устида ётса ҳам, тарбиясига олган болаларни юмшоқ кўрпачалар устига ётқизишган. Онамга мактаб бориши учун уйидаги охирги пардасидан мактаб формасини тикиб беришган. Хозир менинг борлигим – бу онамнинг яхши инсонлар томонидан уруш даврида қутқариб олинганлиги эвазигадир!”[7: Ўзбекистон: Энг янги тарих.х.ф.] – деб эслайди Юрий Стоянов Россия халқ артисти.

Демак, давлатлараро кишиларнинг ўз турар жойларидан турли мақсадлар сари кўчиб фаолият кўрсатиш миграция жараёнини келтириб чиқаради. Бундай жараёнлар жаҳон цивилизация ривожига ўз изини қолдирмасдан қўймади. Ҳозирги даврда миграциянинг тобора замонавийлашуви ва кенгайиб бориши натижасида унинг интеграциялашуви юз бермоқда. Унинг яна бир кўриниши иммиграция мисолларини келтирсак, масалан, эмигрантларнинг ўз ватанларига қайтиши, шунингдек, миллий ўзига хослик белгиларига эга хорижий давлатлар фуқароларининг кўчирилишини тушунишимиз лозим. Бу жараёнлар мос равишда ремиграция ва репатриация деб ҳам аталади. Булар миграциянинг ажралмас қисмлари бўлган ўхшаш тушунчалардир, лекин уларни бир-биридан фарқлаш муҳимдир. Ремиграция - илгари ўз миллати бўлган мамлакатни тарк этган мигрантларнинг ўз ватанига қайтиши жараёнидир. Одатда бу фақат фуқаролигини сақлаб қолган шахсларга тегишли ҳисобланади, чунки уни

йўқотгандан кейин “иммиграция” тушунчасини қўллаш мантиқан тўғри келади. Ремиграция Россия учун ҳам хосдир: ремигрантларнинг энг катта оқими 90-йилларда, Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг кузатилган, диссидентлар, зиёлилар АҚШга, Исроилга ва бошқа мамлакатларга кўчиб кетганлар қайтиб келишган. Улардан ташқари минглаб рус немислари 1990 йилдан 2011 йилгача Германияга кеч кўчманчилар сифатида кўчиб ўтиб, ўз ватанларига қайтишди. Репатриация эса ҳеч қачон мамлакат фуқароси бўлмаган, лекин миллий ўзига хослик белгиларига эга бўлган, шунинг учун аждодлари ватанига кўчиб келган аҳолининг кўчиб келишидир. Репатриациянинг муҳим шарти-улар кўчиб ўтаётган давлатнинг миграция қонунчилигида репатриантларга имтиёзли шартларда мамлакатга кўчиб ўтиш имконини берувчи тегишли иммиграция дастурлари мавжудлигидир. [6:Л.А. Микешина1994й.97б]

**ХУЛОСА**

Юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир ташкил топган, ривожланаётган давлат ва жамият миграцион жараёнларни ўз бошидан ўтказади. Вақти келиб эса миграцион жараён айрим ривожланиб бўлган давлатларда эмиграццион давлатга айланади. Мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида йилига 500 минггача иш ўрни яратилмоқда. Шунинг учун, қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келмоқда. Бу табиий жараён, барча ривожланаётган давлатлар шундай босқичдан ўтган. Қаерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайган. “Кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шароитларини яхшилашга эътибор кучайди. Россия, Қозоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди. Чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Шунга қарамай, ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп” деб, давлатимиз раҳбари бизнинг олдимизда ушбу масалалар бўйича ҳал этишимиз керак бўлган вазифаларни белгилаб берди. [2: ПҚ4804-1.2.3.4-иловалар.2020й]

Хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш масалалари хозирда атрофлича муҳокама қилинмоқда. Шу нуқтаи назарда, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳокимликларга чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилмоқда.

“Хорижда ўзбекистонликлар муносиб шароитларда меҳнат қилиши учун йирик иш берувчи компаниялар билан алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, ўша корхоналар талабига мос малакага эга ва тил биладиган мутахассислар тайёрлаш зарур” - деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.[3: Халқ Сўзи газетаси №173.2020й]

Шу боис, бу борада бошқа давлатлар миграция жараёнлардан фарқли равишда янги тизим жорий этилиши белгилаб . Яъни, ҳудудлардаги ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хорижий иш берувчилар билан бевосита шартнома тузиш, миграция хизматлари билан музокаралар ўтказиш ҳуқуқи берилди. Бу филиаллар раҳбарлари вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ҳисобланади. Мисол учун, хорижга етук, тил биладиган ва бирон касбни эгаллаган фуқароларимизнинг хавфсизлигини ҳамда, хорижда иш билан таъминлайдиган “МОНО- ишга марҳамат” марказлари ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 19 ноябр куни Россия Федерацияси Президенти В.Путин билан учрашувларинг асосий мақсадларидан бири, Россия федерациясида меҳнат қилаётган мигрантларимизга муносиб шарт-шароитлар яратиш тўғрисидаги ҳамкорик шартномасининг имзоланиши, қилинаётган иновацион ўзгаришларнинг яқол намунасидир. Эндиликда Россия Федерациясига ишга борувчи мигрант ҳамшахарларимиз шу ердан туриб, Россиянинг “Многофункциональный миграционный центр” орқали тегишли корхона билан шартнома имзолаб, Моно марказдан

касб ва тил ўрганиб, кейин хорижга бориб ишлаш имкониятларига эга бўлишди.[8: “Мир24”канали.2021й]

Мақолада хозирда бутун жаҳон бўйича энг долзарб бўлиб келаётган меҳнат миграциясини тўғри ташкил қилиш муаммоси Янги Ўзбекистоннинг давлат ҳаракатларида тўғри, тизимли шакллантирилганлиги таҳлил қилиниб, бундай шарт–шароитлар ишчи кучининг тўғри тақсимотига, ҳамда мигрантларининг ҳақ–ҳуқуқлари давлатлараро кафолатланишига олиб келади. Демак, миграция нафақат ишчи, меҳнат фаолиятини интеграциялашувига балки, жаҳоннинг барча соҳалари ривожланишида асосий ўрин эгаллаб келмоқда. Фақат унинг тўғри тақсимланиши давлатларнинг янада ривожланиб, инсонлар шароитларининг яхшиланишига олиб келади.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ. “Янги Ўзбекистон Стратегияси”-Тош.: “Ўзбекистон” 2021.443-б
2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ: ПҚ4804- “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-1.2.3.4- иловалар.
3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 17.08.2020 йил “Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларни қуллаб-қувватлаш масалалари” бўйича видеоселектр баённомаси. Халқ Сўзи газетаси №173
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши акдемияси. “Ўзбекистон тарихи”.Тош.:2010йил.369-371бб.
5. Р.ШАМСУТДИНОВ, Х.МЎМИНОВ “Ўзбекистон тарихи” “Шарқ”-Тош.:2013й. 80-90бб, 118-158бб.
6. Л. А. МИКЕШИНА “Хрестоматия по истории философии: учебное пособие для вузов”/ ред. // Прометей. – М., 1994. – Часть I. – 97 с
7. ЎЗБЕКИСТОН: ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган хужжатли фильм.
8. Россия “Мир24”канали, “ВМЕСТИ” ахборот хафта якуни кўрсатуви.
9. Л.МАКСАКОВА. Миграция и рынок труда в странах Средний Азии.Т.:Брейд-Стайл.2002.136с
10. Л.МАКСАКОВА. Миграционная ситуация В Республики Узбекистан.Т.:2009.

ISSN 2181-9505

Doi Journal 10.26739/2181-9505

# FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

1 МАХСУС СОН

## ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

## PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

SPECIAL ISSUE 1

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000